*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
**9 апрель**
ШАНБА
**№ 29** (12873)

www.th.uz

❑ Обод манзиллар

## БУНЁДКОР ЭЛ САОДАТИ

*Бугун вилоятимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Нафақат марказлардаги, балки олис-яқин қишлоқларимиздаги бемисл бунёдкорликларни кўрган киши ҳайратга тушиши турган гап. Баҳор нафаси яшнатиб юборган қир-адирлар, оппоқ гулга бурканган боғ-роғлар, қирқ кокилдек текис эгатланган кенг далалар, ёруғ, равон асфальт кўчалару замонавий, кўркам бинолар, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган барча қулайликларга эга чиройли тураржойлар... Бордию, бирор рассом қишлоқларимиз манзарасини чизмоқчи бўлса, кўз олдида мана шу тасвирлар гавдаланиши шубҳасиз.*



Ана, уларнинг биридан нуроний отахон чиқиб келмоқда. Бири-биридан ширин невараларини етаклаб олган. Сал нарида ёшлар учун қурилган стадион, турли эртак қаҳрамонлари акс эттирилган ғаройиб ҳайкалчалар, ҳар хил арғимчоғу аттракционлар.

– Қишлоғимиз қиёфаси шу кунларда таниб бўлмас даражада, – дейди Бектурган ота Абдулхайров. – Худди эртакка ўхшайди. Кўз очиб юмгунча юз бераётган ўзгаришлардан ақлинг шошади... Аввалги лойсувоқ томлар, бостирма уйлар ўрнида энди маржондек тизилиб, қад кўтараётган тураржойларни қаранг... Ҳар куни мана бу стадион, истироҳат боғига бир бор келиб кетмасам, кўнглим тинчимайди... Ҳозирги ёшларнинг бахти бор экан. Ишқилиб, бу бахтга кўз тегмасин, дейман.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул қишлоғидаги бундай улкан бунёдкорлик мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, кўпни кўрган, ўзининг меҳнати, интеллектуал салоҳияти, билим ва тажрибаси билан ўз юртини обод этиб келаётган ишчи ва муҳандислар, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, азму шижоатли ёшларимиз, бир сўз билан айтганда, вилоятнинг кўп миллатли, меҳнаткаш ва бағри кенг халқининг саъй-ҳаракатлари, орзу-интилишлари самарасидир.

– Қумовулнинг ҳар қарич ери, тош-тупроғини кўзга суртиб улғайганман, – дейди қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Хайринисо Мирзажонова. – Салкам 50 йиллик иш фаолиятим давомида кўрганимдан кўрмаганим кўп бўлди, десам ишонаверинг. Аммо, кейинги 25 йил мен учун асрларга татигулик ҳаёт мактабини ўтади. Ўзинг, оиланг, миллатинг, халқинг учун эмин-эркин, фахр-ифтихор билан хизмат қилишга не етсин!?

Давоми 3-бетда.

*Тошкент шаҳрида 2016 йил 8 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси раислигида ташкил этилган мажлисда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.*

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш якунлари ва ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган ШҲТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги талабларга жавоб бериши таъкидланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан терроризм, сепаратизм ва экстремизм мақсадларида фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Хитой Халқ Республикасида ўтказилган "Сяминь – 2015" биргаликдаги ўқув машқлари якунларига юқори баҳо берилди.

Мажлис иштирокчилари ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарлар, жумладан, халқаро террористик ташкилотлар томонидан бўлаётган хуружларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар юзасидан келишиб олди. Шунингдек, аҳоли ўртасида диний-экстремистик ғояларга қарши иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган ишларни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

2016 йилнинг IV чорагида ШҲТга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган тўртинчи илмий-амалий конференцияни ўтказишга келишилди.

2014 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш котибияти билан расмий алоқалар ўрнатган эди. Мажлисда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида шериклikни йўлга қўйиш мақсадида ШҲТ МАТТ ва ушбу ташкилот ўртасида ҳамкорликни назарда тутувчи ҳужжатлар лойиҳалари маъқулланди.

ШҲТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари рағбатлантирилди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан, молиявий таъминлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши мажлиси ишчанлик ва амалий руҳда ўтди.

**ЎзА.**

*ХХ асрда инсон тафаккури тараққиётнинг янги чўққиларини забт этди: коинотга парвоз, компьютер, интернет ихтироси... Бироқ, биз бу "олтин аср"-ни башариятга фақатгина бахт ва равнақ олиб келди, дея олмаймиз. Негаки, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатлар, диний экстремизм ва терроризм ҳам шу асрда юзага келди. Энг ёмони, бугун инсон ўз ихтиролари қаршисида ожиз қолмоқда.*

❑ Дилдаги гаплар

## БАХТИЁР ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

Буни кўплаб давлатларда юз бераётган турли қўпорувчилик ва бузғунчиликлар мисолида яққол кўриш мумкин. Айниқса, муқаддас ислом дини ниқоби остида ваҳший ва нотавон, ўзлигини ва тарихини унутган манқуртларнинг амалга ошираётган онгсиз ҳаракатлари киши дилини хуфтон қилади. Савол туғилади, минглаб оилалар бошига кулфат ёғдириб, бегуноҳ болаларни етим қилаётган кимсалар аслида ким?

Ахир нотинчлик, бузғунчиликлар сабаб дунёнинг аллақайси томонларида айрим тенгдошларимиз билим ва касб чўққиларини забт этиш у ёқда турсин, савод чиқара олишмаяпти-ку. Ахир, бугун етарли билим ва кўникмаларни эгаллашмаса, эртага улардан нимани кутиш мумкин?

Тинч, осуда, фаровон ҳаётимизга шукр қиламан. Мустақил Ватанимиз ёшлари қўлида китоб, нотинчлик ва зўравонликлар юз бераётган мамлакат ёшлари қўлида қурол, кўзида қўрқув, қалбида ҳадик. Юртимизда иқтидор ва истеъдод эгалари рағбатлантирилиб, ёшларга оид давлат сиёсати изчил олиб борилмоқда. Уларнинг турли соҳаларда изланиш ва интилишларига қанот бериш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, "Ниҳол" мукофоти, уч тизимли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари, бундан ташқари, бир қанча стипендиялар таъсис этилганидан барчамиз хабардормиз. Бундай саъй-ҳаракатларнинг натижасида эл корига ярайдиган жисмонан соғлом, маънан етук фарзандлар камол топаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Бутун дунё Ўзбекистонимизни бахтиёр ёшлар мамлакати, деб эътироф этмоқда. Айтинг, шундай юртни севмай, уни ардоқламай бўладими?! Зеро, ўтмиши ҳам, келажаги ҳам буюк, ҳамиша навқирон Ўзбекистонимизнинг фаровон ҳаёти учун сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Отабек ИСРОИЛОВ,**
**Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси.**

❑ Тадбиркорлик

*Қибрай туманида яратилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, ўзининг тадбиркорлик ташаббусларини рўёбга чиқараётган ишбилармонлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.*

## ИЛК ЭКСПОРТ АМАЛИЁТИ

Уларнинг орасида "Миймастерикром" масъулияти чекланган жамияти алоҳида ўрин тутади. Сабаби, олим-тадбиркор Ҳабибулла Абдумавленов раҳбарлик қилаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нафақат республикамиз, балки қўшни давлатларда ҳам кун сайин талаб ортиб бормоқда.

– Асли мутахассислигим кимёгарлик. Шундан-ми, кўп йиллардан буён Қоржонтов этакларида қарийб 250 гектар майдонни эгаллаган қум конларидаги хом ашё манбасини ўрганишни режалаб юрар эдим, – дейди Ҳ. Абдумавленов. – Шу мақсадда пойтахтимиздаги Ўзбекистон ноорганик кимё илмий-текшириш институти мутахассисларига мурожаат этдим. Шартнома тузиб, бизни қизиқтираётган хом ашё манбаларини тадқиқ қилишга киришдик. Ўрганиш натижасида олимлар бу ердаги хом ашёдан қайта ишлаш йўли билан бетенит олиш мумкинлигини аниқлаб беришди. Майда кристалл ҳолда, оч яшил рангдаги минераллар йиғмасидан ҳосил бўладиган бетенитдан юз хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд экан, қаранг.

Шу тариқа масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона ташкил этилиб, янги соҳага қўл урилди. Фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги тез орада ўз самарасини берди. Замонавий технология асосида янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Айни кунларда 12 нафарлик жамоа томонидан ойига қадоқланган ҳолдаги 400 тонна қоришма ишлаб чиқарилиб, республикамиз корхоналарига жўнатилмоқда. Жорий йилдан бошлаб ушбу маҳсулотни экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, 200 тонна маҳсулотни экспорт қилиш бўйича илк шартнома имзоланди.

Келгусида корхона жамоаси ўз фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва ҳажмини оширишни режалаштирмоқда. Ана шунинг ҳисобидан бу йил тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 8 нафари билан шартнома тузилди. Корхона ишлаб чиқариш участкалари анча олисда жойлашганлиги эътиборга олиниб, битирувчилар учун яшаш ва дам олиш жойларини ташкил этиш, уларни бепул иссиқ овқат билан таъминлаш масалалари ҳам ижобий ҳал этилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## АВВАЛО ОНАНИ ЭЪЗОЗЛАШ КЕРАК

*"Яна фарзандли бўла олармиканман деган ҳадик билан яшардим. Негаки, биринчи ҳомиланинг нобуд бўлиши кейингиларига тўсқинлик қилиши мумкинлигини эшитганман. Шифокорлар бунга камқонлигим сабаб бўлганини айтишди. Яқинларим эса, "вақтида керакли витаминларни ичмагансан", дея ўзимни койишди..."*

❑ Эътибор

Ўтган кунларини шундай хотирлаган оҳангаронлик Нозигул Мирзавалиева бугун ширин-дан-шакар икки фарзанднинг меҳрибон онаси.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши ва Давлат дастури тасдиқланиши эса, бу борадаги хайрли ишларни янги босқичга кўтарди.

Дастурда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган ҳаётбахш ғояни жамиятда қарор топтириш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилгани эътиборга лойиқ.

Давоми 2-бетда.

## ЛИБОС – МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

*Чирчиқдаги "Кимёгарлар" маданият саройида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Либос – маънавий гўзаллик тимсоли" мавзуида конференция бўлиб ўтди.*

❑ Моҳият

Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида кийиниш маданияти тарғиботига бағишлаб ўтказилган тадбирда вилоят шаҳар ва туманларининг хотин-қизлар қўмиталари, коллеж, лицейлар ўқитувчи ва ўқувчилари, маҳаллалар фаоллари, тадбиркор ва ҳунарманд аёллар иштирок этди.

Бундай ўзига хос, маънавий қадриятларимизга ҳурмат, ёшлар тарбиясига дахлдорлик, миллий ўзлигимизга садоқат руҳидаги анжуманнинг ташкил этилиши бежиз эмас. Зеро, глобаллашув жараёни "оммавий маданият" ниқоби остида асл маънавий қадриятларга, айниқса, ёшлар онгига тажовуз қилаётгани яхши маълум. Бу иллатлардан огоҳ бўлиш, олдини олиш учун мунтазам ва узлуксиз маънавий тарғибот олиб бориш зарур бўлади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиеванинг слайдлар, тасвирий лавҳалар билан тўлдирилган "Либос – маънавий гўзаллик тимсоли" мавзуидаги маърузасини иштирокчилар катта қизиқиш билан тингладилар.

– Сўзимни муҳтарам Президентимизнинг: "...Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч", деган фикрлари билан бошламоқчиман, – деди С. Файзиева. – Таъбир жоиз бўлса, маънавий баркамолликда ҳар биримизнинг ташқи кўринишимиз, либосимиз, яъни кийиниш маданиятимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор.



Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Давоми 2-бетда.

# «КАМАЛАК» ЖИЛОСИ – КЕЛАЖАК ЁҒДУСИ

*"Қумовул" маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Камалак" билимдонлари – 2016" танловининг вилоят босқичи якунига етди.*

## Танлов

"Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, улар томонидан олиб борилаётган ижтимоий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ташкилотнинг ижтимоий нуфузини ошириш, ёш авлоднинг келажакда мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишишларига кўмаклашишни мақсад қилган мазкур танлов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармалари кўмагида ташкил этилди.

– Азалдан камалак гўзаллик рамзи сифатида таърифлаб келинган, – дейди вилоят "Камалак" болалар ташкилоти раиси Зебо Самадова. – Унда уйғунлашган етти ранг инсондаги етти гўзал жиҳатнинг белгиси, дейишади. Шу маънода бизнинг "Камалак" болалар ташкилотимиз ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда янгидан-янги ютуқлар сари илҳомлантирмоқда. Бугунги танлов бунинг яна бир ифодасидир.

Танловнинг вилоят босқичида 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 5 та жамоа 4 шарт бўйича ўзаро беллашди. Иштирокчилар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб ҳамда ижтимоий лойиҳа йўналишлари орқали ўз зукколикларини намойиш этишди. Айниқса, таълим муассасалари, маҳаллаларда болалар томонидан ёзилган эртаклар асосида қўғирчоқ театрларини намойиш этиш, шунингдек, педтехнологиялардан фойдаланган ҳолда ўйин орқали болаларга таълим бериш каби мавзулардаги ижтимоий лойиҳалар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.



Ҳакамлар ҳайъати жамоалар чиқишларини танлов мезонларига кўра адолатли баҳолаб борди. Якуний натижаларга кўра, биринчилик Оққўрғон туманининг "Камалак" жамоасига насиб этди. Энди улар танловнинг республика босқичида қатнашиш учун Хоразмга йўл оладилар. Иккинчи ва учинчи ўринларга Бўстонлиқ туманининг "Етти ниҳол" ва Ангрен шаҳрининг "Камалак ёғдулари" жамоалари муносиб деб топилди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нозима АРСЛОНОВА.**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

# АВВАЛО ОНАНИ ЭЪЗОЗЛАШ КЕРАК

Биринчи навбатда, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш каби муҳим масалалар дастурда ўз аксини топган. Шунингдек, тиббиёт муассасаларининг, жумладан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорлари малакасини яхшилашга алоҳида урғу берилгани қувонарли.

"... Болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак".

– Ҳар гал Юртбошимизнинг ушбу фикрларини тингларканман, кўксим осмон қадар юксалгандай бўлади, – дейди Нозигул. – Ўшанда, очиғи, тушкунликка тушиб қолгандим. Текширишлардан сўнг, аниқ ташхис қўйилиб, зарур поливитаминлар поликлиникамиздан бепул берилди. Она ва болага бундай эътибор ва ғамхўрлик, айтинг, яна қайси юртда бор?!

– Соғлом бола туғилишида микронутриентлар, яъни витамин ва микроэлементлар жуда муҳим, – дейди вилоят репродуктив саломатлик маркази бош шифокори Шоира Мажидова. – Булар – темир, фолий кислотаси, йод, А, Е, С ва В гуруҳи витаминлари бўлиб, уларнинг тақчиллиги ақлий фаолият, иммун тизими сусайишига олиб келади. Онада фолий кислотаси етишмаса, чақалоқ туғма ногирон бўлиши ҳам мумкин. Қолаверса, унинг камлиги гўдаклардаги лаб, танглай, юрак қоринчалари деворларининг етишмовчилигига ҳам сабаб бўлади.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва унинг узвий давоми бўлган "2015-2018 йилларда республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёлларни таркибида фолий кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплекслари билан таъминлаш ҳақидаги қўшимча Қарор"ининг қабул қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Мазкур ҳужжатларнинг ҳаётимизга кенг татбиқ этилиши натижасида, ҳомиладор аёллар соғломлаштирилиб, улардаги камқонлик сезиларли даражада камаймоқда, оналар ўлими, туғма нуқсонли ва ирсий касал болалар туғилишининг ҳам олди олинаяпти.

– Вилоятимизнинг Бекобод, Бўка, Пискент, Бўстонлиқ, Паркент, Чиноз каби барча туманларида поливитаминлар ҳомиладор аёлларга бепул берилади, – гапида давом этди Ш. Мажидова. – Негаки, улар она ва бола саломатлигида катта роль ўйнайди. Бинобарин, сўнгги йилларда болалардаги бўй ўсмаслиги ва вазн етишмаслиги анча камайди.

Бу юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин ва ҳаётбахш самараларидир.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Тадбир

*Ота-боболаримиз қадимдан бола тарбияси, айниқса, қиз боланинг камоли ҳақида қайғурганлар. Оилада қиз фарзанд дунёга келса, унга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатганлар. Чунки қиз бола бўлажак она, авлодлар давомчиси.*

# ЎЗИ АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Пискент туманида ёшларни миллий урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда оила, таълим муассасаси ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш мавзуида бўлиб ўтган тадбирда қизлар тарбиясига алоҳида тўхталинди.

Унда Маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи, ҳудуддаги умумтаълим мактаблари ўқувчи ва ўқитувчилари, Ҳолиқберди, "Тараққиёт", "Оқтом" маҳаллалари фаоллари, имом-хатиблар ҳамда кўпни кўрган нуронийлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар, хусусан қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, тафаккурини бойитиш, билим олиши, касб-корли бўлишини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги катта роль ўйнаётир.

Тадбирда, шунингдек, ёшларни зарарли таъсирлар, бузғунчи ғоялар ва турли диний оқимлардан ҳимоя қилиш, ҳамиша огоҳ бўлишга даъват этиш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

# ШОДИЁНА ДАВОМ ЭТАДИ

## Матбуот анжумани

*Миллий матбуот марказида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мазмунидаги тарғибот тадбирларининг Тошкент шаҳри ва вилоятидаги якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

– Аввалambор, тарғибот тадбирларини ташкил этишда ва ўтказишда яқиндан ёрдам берган ҳамкор ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдираман, – дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошпўлатов. – Учрашувларда эртамиз давомчиларининг хурсандчилигию, фахрифтихорини кўриб, тадбирдан кўзланган мақсадга аниқ эришилаётганига амин бўлдик. Тадбирлар давомида ёшларимиз эртанги куннинг муносиб эгаси эканликларини яна бир бор англаб етишди.



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходимлари, ҳамкор ташкилотлар, тарғибот гуруҳи аъзолари, таълим муассасаси раҳбарлари, иқтидорли ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда маданият, санъат ва адабиёт вакиллари учрашувлардан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар ва мазкур тадбирларни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Маълумот учун айтиш жоизки, тарғибот тадбирлари вилоятимизнинг 4 та шаҳар ва 14 туманидаги 308 та умумтаълим мактаби, 114 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда юқори савияда ўтказилди. 129 минг 750 нафар ўқувчи 130 дан зиёд таниқли санъаткорлар ва эстрада хонандалари, кино ва театр актёрлари, шоир ва ёзувчиларнинг мустақилликка қадар бўлган давр ва мустақилликдан сўнг эришилган ютуқлар, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақидаги жонли ва ибратли фикр-мулоҳазаларидан баҳраманд бўлдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

# ЛИБОС – МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

Вилоятимиз аҳолисининг деярли ярмидан кўпроғини ташкил этадиган аёлларимиз, хотин-қизларимизнинг аксарияти бунга амал қилиши, ёши, ташқи кўриниши ва характерига мос кийим танлаб кийишлари шубҳасиз. Бундай кўникмалар аввало оилада, сўнг мактаб, коллеж, маҳаллада шаклланиши ҳам бор гап. Лекин, кийиниш маданияти ҳақида янада мукаммал маълумотга эга бўлиш оилада ўғил-қизларимиз, ишда касбдошларимиз ва ён-атрофдагиларга яхши маънода таъсир кўрсата олишда муҳим аҳамиятга эга бўлдилар.

Бошланиши 1-бетда.

– Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларга ҳурмат туйғусини шакллантиришда ўқитувчиларнинг ҳам ўрни катта, – дейди Бўстонлиқ хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Нилуфар Умрзоқова. – Саҳнада миллий-замонавий либосларни намойиш этаётган ўқувчиларимизнинг ғурур-ифтихори бизни хурсанд қилди.

Маданият саройи фойесидаги кўргазмада намойиш этилган коллеж ва лицей ўқувчилари, ўқитувчилари яратган либосларни кўриб, завқланмай илож йўқ! Анжуман меҳмони "Анор" миллий либослар ателъеси бош директори, дизайнер Дилноза Умрзоқова ҳам ўз коллекциясидаги ажойиб либослар, аввало, шу юрт, шу эл меҳр-муҳаббати билан яратилганини алоҳида таъкидлади.

**Саида ИКРОМОВА.**

## Рағбат

*Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

*Ушбу кўрик-танлов жамиятимизнинг илғор қатламлари – тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг фидокорона меҳнатларига берилаётган эътибор ва рағбатнинг яна бир юксак намунаси, десак, хато бўлмайди. Чунки, танлов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, эришилаётган илғор натижаларни тарғиб қилиш, ёшларда ишбилармонлик иштиёқини кучайтириш, тадбиркорларнинг имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилиши билан, айниқса, аҳамиятлидир.*

# ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ




Йигирманчи бор ўтказилган мазкур танловда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган 41 нафар иштирокчи орасидан "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишлари, шунингдек, қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар номи эълон қилинди.

Эътиборлиси, вилоятимиз вакиллари ушбу танловда қаторасига иккинчи бор олий мукофотга сазовор бўлишди. Хабарингиз бор, ўтган йили Зангиота туманидаги "Такро Осиё" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камолиддин Ғиёсов "Йилнинг энг яхши тадбиркори" сифатида эътироф этилган эди. Бу йил эса Бекобод туманидаги "Бекобод қўрғони" фермер хўжалиги раҳбари Исматилла Дадабоев "Йилнинг энг яхши фермери" йўналишида тенгсиз эканини исботлади. Бу албатта, вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир.

– Бу бир менга эмас, балки вилоятимизнинг барча фермерларига билдирилган юксак ишонч, деб биламан, – дейди Исматилла Дадабоев. – Давлатимиз томонидан фермерликни ривожлантириш, кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш учун яратилаётган шароит ва имтиёзлар хўжалигимизни янада кенгайтиришда, қўшимча даромад манбаларининг яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, И. Дадабоев пахта ва ғаллачиликдан ташқари чорвачилик, парандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, шоличилик каби қатор қўшимча тармоқларда самарали фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, қарийб 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритиш орқали 19 гектарга яқин майдонда интенсив боғ яратди. Голландия технологияси асосида ташкил этилган мазкур боғдан олинаётган ҳосилни сақлашда 3 минг тонналик сиғимга эга музлаткич барпо этилгани, айниқса, қўл келмоқда.

Асосий даромад қайта ишлашда эканини яхши билган фермер гўшт, хусусан, парранда гўштини қайта ишлаш, макарон ишлаб чиқариш, шолини оқлашни ҳам йўлга қўйган. Натижада, хўжалик биргина ўтган йилнинг ўзида 365,5 миллион сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди.

Тадбирда, шунингдек, яна бир вакилимиз – Янгийўл туманидаги "Мастер глобал плюс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Одилжон Собиржонов "Озиқ-овқат саноатидаги энг яхши йил тадбиркори" номинациясини қўлга киритди.

**Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

# ДУНЁ ТАН ОЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

*Бу йил мамлакатимизда мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма беш йиллиги кенг нишонланади. Ўтган чорак аср халқимиз учун юксак марралар сари дадил одимлаш даври бўлди. Энг муҳими, тобора чуқурлашаётган глобал иқтисодий ва молиявий инқирозга қарамасдан, кейинги йилларда миллий иқтисодиётимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бу нафақат халқимизнинг, балки халқаро ташкилотларнинг муносиб эътирофига сабаб бўлмоқда.*

## Эътироф

Жумладан, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йилларда ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатларнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган индекс бўйича Ўзбекистонимиз юқори ўринларни эгалламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рейтингда Ўзбекистондан юқори ўринларда ёки бир сафда турган давлатларнинг мустақил бўлганига 100-200 йилдан ошган. Мамлакатимиз бу даражага тарихан қисқа вақтда – 20-25 йилда эришмоқда.

Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАОга аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Бундай юксак кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган, дунёда "ўзбек модели" дея тан олинган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканини тасдиқлаб турибди.

Маълумки, собиқ тузум даврида мамлакатимиз ун, гўшт, ёғ, сут, картошка, тухум, шакар каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто, оддий ош тузини ҳам четдан олиб келишга мажбур эди.

Давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширган оқилона иқтисодий сиёсати халқимизни ана шундай инқироздан беталафот олиб ўтди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари, бозор муносабатлари жорий этилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Натижада одамларнинг ерга муносабати ўзгарди. Мамлакатимиз қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди. Тупроқ унумдорлиги оширилгани, ерга ишлов беришнинг илғор усуллари жорий этилгани бозорларимизнинг сархил маҳсулотлар билан тўлишига имкон яратди.

Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди.

Президентимиз белгилаб берган жорий йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга назар ташласак, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш кўзда тутилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бунга эришиш учун ҳар йили ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлиши зарур. Кейинги 11 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсиши 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганини инобатга олсак, бунга эришишга ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

**Элдор ТУЛЯКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БУНЁДКОР ЭЛ САОДАТИ

*Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига қаратилган муҳим эътибор натижасида у том маънода иқтисодиётнинг етакчи кучига айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосий омилларидан бири ҳам тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилганидандир. Яратувчиликка, халққа хизмат қилишга бел боғлаган кўплаб ҳамюртларимиз ўзининг орзу-истакларига тадбиркорлик муҳити орқали эришаяптилар.*

## ❑ Банк кредити:

## БЕЛГА ҚУВВАТ, ИШГА БАРАКА

Ишбилармонларни қўллаб-қувватлашда тижорат банклари, жумладан "Микрокредит банк" ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу банк орқали кредит сармоялари олган мижозлар ўзларининг яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари билан тараққиётимиз, иқтисодиётимизга муносиб хисса қўшаяптилар.

**Норхол Деҳконов, Паркент туманидаги "Заркент саховати" фермер хўжалиги раҳбари:**

– Мен фермер сифатида айтишим мумкинки, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида бугун мамлакатимизда ишбилармонларга, тадбиркорларга, фермерларга катта ғамхўрликлар кўрсатиляпти. Шак-шубҳасиз, бунда банк муассасаларининг хизмати беқиёс. Менинг ўзим фермер сифатида "Микрокредит банк"нинг Паркент филиали мижозиман. Эзгу мақсад, яхши ният билан Заркент қишлоғида замонавий тўйхона қуришни режалаштирган эдим. Шу боисдан банк маъмуриятига кредит сармояси олиш учун мурожаат қилдим. Банк филиали томонидан имтиёзли кредит ажратиб берилди. Ана шу маблағдан оқилона фойдаланиб, тўйхонани жиҳозлаб олдим. Бунинг натижасида қишлоқда 15 та янги иш ўрни яратилди. Тўйхонани бунёд этишдан ташқари, ўзим раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги тасарруфида узум ва меваларни сақлайдиган замонавий музлаткич ҳам қурдим. Бу эса иқтисодиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

❑ Обод манзиллар



– Маҳалламизда 2800 га яқин аҳоли яшайди, – дейди "Янги ҳаёт" маҳалласи раиси Рўзихон Қурбонова. – 584 хонадон, 691 оила, шунингдек, 5 та кўп қаватли уйларимиз бор. Қувонарлиси, биргина бизнинг маҳалламизда намунавий лойиҳалар асосида 210 та янги тураржойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда қишлоқ аёллари учун яратилиши керак бўлган барча зарур қулайликлар – табиий газ, иссиқ, совуқ сув – ҳаммаси муҳайё.



– Янги уйга кўчиб кирганимизга 2 йил бўлди, – дейишди Ситорахон, Дилдорахон исмли ёш келинчаклар, қўлларида 6-9 ойлик фарзандлари билан ямашил болалар майдончасида сайр қилиб юришар экан. – Телевизорда кўриб, ҳавас қилган эдик, мана ниятимизга етдик.

Янги уйга кўчган заҳоти, тиниб-тинчимай, чор тарафни янада гўзал, обод қилиш учун жон куйдираётган хонадон эгаларининг ҳафсаласига қойил, деймиз. Масалан, яна бир янги хонадон эгалари – Мирзаевлар оиласи шулардан бири.

– Шу десангиз, янги уйимизга янги келин тушаяпти, – дейди оила бекаси Гулбаҳор Мирзаева мамнунлик билан. – Илоҳим, келинпошшамизнинг қадамлари қутлуғ келаётгани рост бўлсин. Тўйларимиз тўйга улансин. Қишлоқ аҳлига шундай шарт-шароитлар яратишга бошқош бўлаётган Юртбошимизга минг раҳмат!

"Янги ҳаёт" маҳалласидаги янги қурилган 54-умумтаълим мактабига тиниб-тинчимас педагог Тамара Тоғайқулова раҳбарлик қилади. Дарслар икки тилда олиб бориладиган мактаб озода, саранжом-саришталиги, анвойи гуллар экилган каттагина чаманзори билан ҳам машҳур. Маҳалладаги 2 та стадион, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси эса мамлакатимизда жисмоний тарбия, айниқса, болалар спортига алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол намунасидир. Раиснинг айтишича, эндиги режа – маҳалла гузарини қуриш экан. Тез кунларда бу ният ҳам амалга ошиши аниқ. Зеро, бу ерда маҳалла ишига қайишадиган тадбиркорлар кўпга ўхшайди...

Туманнинг "Нурафшон" маҳалласида Ашурали ота Акбаров яшайди.

– Салкам 30 йил ички ишлар бошқармасида ишлаганман, – дейди отахон. – Кейинги умрим маҳалламиз ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Қишлоқ раисининг ғайрат-шижоати билан кўчалар, қабристонлар ҳам обод қилинди. Бу ишларга қўл қовуштириб, қараб ўтирмаймиз. Бектемир, "Хўжамкорсоз" қабристонлари атрофи маҳалла фаоллари, жонкуярлари ёрдамида ўралди, кўчатлар экилди, йўлаклар тозаланди.

Хуллас, Қумовулдаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳақида ҳали кўп сўзлаш мумкин. Қишлоқ раиси шу кунларда ҳудуддан ўтган темир йўл бўйларидаги ободончилик ишларига бош-қош.

– 600 та арча, 3000 дан ортиқ мевали, манзарали дарахтлар экилди, аҳоли тураржойлари таъмирланди. Қишлоғимиздаги бунёдкорлик ишларида тадбиркорларимиз, фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта, улар ҳақида ҳам ёзсангиз бўларди, – дейди Хайринисо опа.

*Дарҳақиқат, яхши мавзу. Аммо, буниси келаси сафарга қолди.*

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

*Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.*

Бошланиши 1-бетда.


**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 26 апрель куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда: ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 20.10.2015 йилдаги 1-584/2015-сонли ижро варақасига асосан, Ангрен шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси 9 391 807 сўм 35 тийин бўлган, 2005 йилда и/ч., д/р 10T377CA, "Нексия" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент вилоят Ангрен шаҳар судининг 13.06.2013 йилдаги 1101-186/16-сонли ижро варақасига асосан, Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси 26 916 930 сўм 88 тийин бўлган, 2010 йилда и/ч., д/р 10L404DA, "Нексия" р-ли ав-на; ЖИБ Оҳангарон туман судининг 15.04.2011 йилдаги 247-сонли ижро варақасига асосан, Ангрен шаҳар 29-автобазада сақланаётган, бошланғич баҳоси 25 961 158 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., д/р 11L4120, "Камаз" р-ли юк ав-на ҳамда бошланғич баҳоси 23 781 816 сўм 45 тийин бўлган 1982 йилда и/ч., д/р 10T843BA, "Камаз р-ли юк ав-на.

2016 йил 10 май куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент вилояти, Бўка туман судининг 21.05.2014 йилдаги 143-сонли ижро варақасига асосан Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган Бўстонлиқ тумани, Газалкент-2, "Мариам Текстил Сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси 15 648 448 сўм бўлган, 2010 йилда и/ч., д/р 10D302DA, "ГБА-СПГ-ДАМАС STD" р-ли ав-на қўйилмоқда. Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси; ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 5 июндаги 10-1520/5895-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган "Тошкент шаҳар Мурувват агросаноат" МЧЖ кредиторларининг 2016 йил 31 мартдаги 9-сонли йиғилиш баённомасига ва суд тугатиш бошқарувчисининг 2016 йил 4 апрелдаги 148-СУ-сонли буюртманомасига асосан: Тошкент вилояти, Бекобод тумани ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Марказий таъмирлаш устахонаси биноси 4-бўлим, майдони 5 932,60 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 1 894 793 275 сўм 60 тийин. II. Марказий таъмирлаш устахонаси биноси 2-бўлим, майдони 2 018,40 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 644 666 061 сўм 90 тийин. III. Чорвачилик фермаси 4-бўлим, майдони 5 838,50 ка.метр. Бошланғич баҳоси - 1 864 742 033 сўм 10 тийин. IV. Чорвачилик фермаси 2-бўлим, майдони 120 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 38 326 592 сўм 50 тийин. V. Ошхона биноси 4-бўлим, майдони 853,50 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 272 581 920 сўм. VI. А-Омборхона биноси (картошка сақлаш омбори) 4-бўлим, майдони 1 200 кв.метр, Б-Омборхона биноси (қурилиши тугалланмаган бино) 4-бўлим, майдони 15 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 388 056 749 сўм 40 тийин. VII. Икки қаватли идора биноси 4-бўлим, майдони 571,5 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 182 517 621 сўм 40 тийин. VIII. Бир қаватли идора биноси 2-бўлим, майдони 300 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 95 816 481 сўм 30 тийин. IX. Дача 4-бўлим, майдони - 414, 1 кв.метр. Бошланғич баҳоси - 132 268 264 сўм 70 тийин.

Кўчмас мулк ва унга тегишли ҳужжатлар билан суд тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Суд тугатиш бошқарувчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Аукцион савдоси 2016 йил 12 май куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Талабномаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 10 май куни соат 18.00. Аукцион савдоси якунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юкланилади. Мулк учун тўлов олти-сотди шартномасини тузгандан кейин 1 (бир) ой муддатда амалга оширилиши шарт.

Талабгорлар мулкий мажмуанинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 ҳ/р.га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Тел.: (0371) 228-84-48. Факс: (0371) 228-80-24. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

**"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Очиқ аукцион савдоларига фермер хўжаликларини ташкил этиш ва туман ҳокимлиги билан ер майдонига бўлган ҳуқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шарти билан туман ҳокимлиги ерлари ҳисобига олинган қуйидаги "Боғзор"лар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўксарой" ҚФЙ, "Тош-тулабий" агрофирмаси ҳудуди "NISHONBOY ZIYO" фермер хўжалигидан захирага олинган (15-лойиҳа) асосида 9,19 гектар, шундан 7,34 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси 12 600 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, "Иттифоқ" массиви ҳудуди "ITTIFOQ USMONOVA MOVLUDA" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 7,08 гектар, шундан 6,30 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси 4 800 000 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2016 йил 10 май куни соат 11.00 да Республика Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Мазкур "Боғзор"лар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 25 май, 9, 16, 23 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви"ни имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО 01101, ИНН 301743808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

RR - № 0008.

**"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 26 апрель куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳосими босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги ФИБ Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 02.04.2015 йилдаги 1-933-5431/15-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 230 050 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қўшқўрғон ҚФЙда жойлашган, "молхона" биноси қўйилмоқда.

2016 йил 10 май куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳосими босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги Тошкент вилоят хўжалик судининг 19.01.2016 йилдаги 11-1536/16969-сонли ижро варақасига асосан, Бўка туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 120 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, А.Қодирий кўчасида жойлашган: умумий майдони 0,4530 га, қурилиш майдони 783,10 кв.метр, бино ҳовлисининг майдони 4176,90 кв.метр, тураржой майдони 885,79 кв.метрдан иборат бўлган 2 қаватли бино қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR-0173.

**"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ 2016 йил март ойида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!**

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви "ABDURAUP BOG'LARI" фермер хўжалигидан захирага олинган 5-лойиҳа асосида қисман 9,06 гектар, шундан 0,1 гектарда жойлашган "Боғзор" ва 8,4 гектарда жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 20 349 218 сўм. Сотилиш баҳоси 26 520 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви "ABDURAUP BOG'LARI" фермер хўжалигидан захирага олинган 3-лойиҳа асосида қисман 10,24 гектар, шундан 1,8 гектарда жойлашган "Боғзор" ва 5,2 гектарда жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 13 039 082 сўм. Сотилиш баҳоси 16 900 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Гулистон" ҚФЙ, "Ғишткўприк" агрофирмаси "ORIPJON MO'MINJON" фермер хўжалигидан захирага олинган 5-лойиҳа асосида жами 9,37 гектар, шундан 8,34 гектардаги "Боғзор", бошланғич баҳоси 7 103 000 сўм. Сотилиш баҳоси 9 233 900 сўм.

4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Чувалачи" ҚФЙ, "Навоий миришкор" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "MURODJON AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган 1-лойиҳа асосида қисман 95-контурда жойлашган 7,96 гектар, шундан 7,5 гектардаги "Боғзор", бошланғич баҳоси 2 849 000 сўм. Сотилиш баҳоси 3 703 700 сўм.

5. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўктерак" ҚФЙ, "Кўктерак ҳосилот файз" агрофирмаси "BEGZOD" фермер хўжалигидан захирага олинган 2-лойиҳа асосида қисман 5,3 гектар, шундан 3,2 гектарда жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси 6 056 335 сўм. Сотилиш баҳоси 7 873 190 сўм.

6. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Эркин" ҚФЙ, "Эркин" массиви "ERKIN TULAGANOV NURMAT" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 6,32 гектар, шундан 5,7 гектарда жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси 7 596 000 сўм. Сотилиш баҳоси 9 874 800 сўм.

7. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви "ABDURAUP BOG'LARI" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 24,94 гектар, шундан 1,88 гектардаги "Боғзор" ва 18,33 гектарда жойлашган "Узумзор"нинг 4-лойиҳа асосида қисман 5,64 гектар, шундан 4,7 гектардаги "Узумзор", бошланғич баҳоси 12 649 514 сўм. Сотилиш баҳоси 16 380 000 сўм.

8. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви "SULTON BARAKA AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган 8-лойиҳа асосида жами 10,39 гектар, шундан 9,14 гектарда жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 9 603 089 сўм. Сотилиш баҳоси 12 483 900 сўм.

9. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви "SAKKIZ OG'A INI AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган 7-лойиҳа асосида жами 8,28 гектар, шундан 2,80 гектарда жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 5 797 694 сўм. Сотилиш баҳоси 7 540 000 сўм.

10. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви "ZOXIT BOTIR AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган 1-лойиҳа асосида жами 11,33 гектар, шундан 10,84 гектарда жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 14 230 703 сўм. Сотилиш баҳоси 18 499 000 сўм.

11. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Зангиота" ҚФЙ, "Зангиота" массиви "RED DILISHES" фермер хўжалигидан захирага олинган 6-лойиҳа асосида жами 12,34 гектар, шундан 4,0 гектарда жойлашган "Боғзор" ва 7,1 гектарда жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси 38 404 566 сўм. Сотилиш баҳоси 49 920 000 сўм.

12. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, "Абдураҳмонов мева-узум" агрофирмаси "DILSHOD ERKIN OMAD" фермер хўжалигидан захирага олинган 7-лойиҳа асосида 6,21 гектар, шундан 0,4 гектардаги "Боғзор" ва 5,45 гектардаги "Узумзор", бошланғич баҳоси 38 188 000 сўм. Сотилиш баҳоси 43 916 200 сўм.

13. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, "Иттифоқ" массиви "ITTIFOQ RIXSITILLAEV SHAVKAT" фермер хўжалигидан 9-лойиҳа асосида захирага олинган 10,25 гектар, шундан 6,77 гектардаги "Боғзор", бошланғич баҳоси 3 803 000 сўм. Сотилиш баҳоси 4 943 900 сўм.

14. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, "А. Икромов" массиви "DILYOR AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган 6-лойиҳа асосида 9,91 га шундан, 0,93 гектардаги "Боғзор" ва 8,02 гектардаги "Узумзор", бошланғич баҳоси 16 833 000 сўм. Сотилиш баҳоси 21 882 900 сўм.

15. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдураҳмонов мева-узум" агрофирмаси "JAVOHIR FAYZ-BARAKA" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 12,48 гектар, шундан 11,6 гектардаги "Боғзор", бошланғич баҳоси 35 713 000 сўм. Сотилиш баҳоси 46 426 900 сўм.

16. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдураҳмонов мева-узум" агрофирмаси "ABDUMO'MIN OLIM FAYZ" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 11,0 гектар, шундан 13,2 гектардаги "Боғзор", бошланғич баҳоси 17 635 000 сўм. Сотилиш баҳоси 22 925 500 сўм.

17. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдураҳмонов мева-узум" агрофирмаси "MIR-QODIR-FAYZ" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 7,49 гектар, шундан 0,7 гектар ер майдонидаги "Боғзор", бошланғич баҳоси 24 435 000 сўм. Сотилиш баҳоси 31 765 500 сўм.

18. Тошкент вилояти,Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, "А. Икромов" массиви "DILYOR AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган 7-лойиҳа асосида қисман 8,16 гектар шундан, 7,01 гектардаги "Узумзор", бошланғич баҳоси 16 048 000 сўм. Сотилиш баҳоси 20 862 400 сўм.

19. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, "А. Икромов" массиви "DILYOR AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган 8-лойиҳа асосида қисман 8,51 гектар шундан, 4,67 гектардаги "Узумзор", бошланғич баҳоси 11 222 000 сўм. Сотилиш баҳоси 14 588 600 сўм.

20. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Сойлиқ" ҚФЙ ҳудуди "BAXTLI QASHQA" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 11,2 гектар, шундан 10,0 гектардаги "Боғзор" ва 0,7 гектар ер майдонидаги "Тутзор", бошланғич баҳоси 39 790 000 сўм. Сотилиш баҳоси 51 727 000 сўм.

21. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Сойлиқ" ҚФЙ ҳудуди "BO'STON YASHIL BOG'I" фермер хўжалигидан захирага олинган жами 10,1 гектар, шундан 8,8 гектар ер майдонида жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси 25 396 550 сўм. Сотилиш баҳоси 33 020 000 сўм.

RR-№ 0008.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишини эълон қилади!**

**Чирчиқ шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишини қайта эълон қилади!**

**Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. *Комиссия номига ариза;*
2. *Паспорт нусхаси;*
3. *Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
4. *Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
5. *Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
6. *Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
7. *Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2016 йил 4 май кунига қадар Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 93-уй. Телефонлар: (0-371) 280-51-04, 280-51-03.**


Реклама ўрнида

❑ Туҳфа

# ПАРКЕНТДА ЗАМОНАВИЙ СУВ ҲАВЗАСИ

*Паркент туманининг "Истиқбол" маҳалласи ҳудудида яна бир янги спорт иншооти – ёпиқ сув ҳавзасининг фойдаланишга топширилиши туман ёшлари учун чинакам байрам совғаси бўлди. Мазкур иншоотнинг очилиши катта тантанага айланиб кетди.*



Сўнгги йилларда туманимизда кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилди. Хусусан, республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 26-, 11-, 45-умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун спорт заллари қуриб битказилди. Бундай хайрли ва эзгу ишлар яна давом этмоқда.

Янги сув ҳавзасининг очилишига бағишлаб ташкил этилган маросимда иштирок этган ҳудуд ёшлари, мураббийлар, меҳнат фахрийлари ва отаоналар бундай ғамхўрлик учун Юртбошимиз ва барча мутасаддиларга чуқур миннатдорчилик билдириб, келгусида бу спорт иншоотида шуғулланган фарзандлар орасидан мамлакат, Осиё ва Жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ишонч билдирдилар.

Шу куни сув ҳавзасини бунёд этишда фаол иштирок этган "Муҳандис плюс лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти, "Паркентгаз", туман электрлаштириш, йўл қурилиш идоралари ва "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси ходимларига туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Иншоотнинг рамзий калити топширилгач, байрамона безатилган спорт мажмуасида санъаткорлар ва спортчиларнинг бадиий чиқишлари намойиш қилинди.

**Баҳодир ИКРОМОВ,**
**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Паркент тумани вакили.**

❑ Фахр

# ЁДГОРОЙ РИНГГА ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилган Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасида 5 олтин ва 2 кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.*

Осиё ва Океания қўшма лицензион чемпионатида ҳамюртларимиздан Ёдгорой Мирзаева, Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Шаҳрам Ғиёсов, Элшод Расулов, Рустам Тўлагонов ва Баҳодир Жалолов XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритдилар. Ушбу муваффақиятдан сўнг, бокс бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси "Рио – 2016" Олимпиада ўйинларида барча вазн тоифасида ғолиблик учун рингга кўтариладиган бўлишди. Эътиборлиси, мусобақада муваффақиятли иштирок этган Ёдгорой Мирзаева ҳам Ўзбекистон хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб бокс спорт турида Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**"Туркистон-пресс".**

# «ЯШИЛ ҚАЛҚОН» МЎЪЖИЗАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, халқаро "ЭКОСАН" фонди, "Экомактаб" нодавлат нотижорат ташкилоти, Угом-Чотқол давлат Миллий боғи ва Тошкент Давлат аграр университети ҳамкорлигида "Анъаналарни тикла – дарахт эк!" шиори остида акция ташкил этилди.*

❑ Эзгулик

Унда Тошкент – Бурчмулла йўли ёқаларида минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари экилди. Уларнинг аксарияти каштан, япон сафораси ва дуб дарахти ниҳолларидир.

Каштан, япон сафораси шифобахш хусусиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, улар ҳавони чиқинди газлардан тозалаш хусусиятига эга. Бир дона каштан дарахти атроф-муҳитни 20 минг метркуб зарарли газдан муҳофаза қилиши мумкин.

Акцияда университетнинг 50 дан ортиқ талабалари фаол қатнашишди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи.**

❑ Мутолаа

# КАМОЛОТ САБОҚЛАРИ

*Донишмандлардан бири: "Фарзандига китоб олиб беришдан пулни аяган инсон, эртага унинг катта муаммолари учун пул сарфлайди", деган экан. Шундай. Фарзандини китоб билан ошно қилган ота-она асло ютқазмайди. Эътиборлиси, бугун китобхон ёшларимиз кўпайиб бормоқда. Нафақат китоб мутолааси, балки бадиий ижод билан шуғулланиб келаётган ёшларимиз сафи ҳам кенгаяётгани қувонарлидир.*

*Яқинда "Ибратли ҳикоялар" номли янги рисолани қўлга олдим-у, гўё бир нафасда ўқиб чиқдим. Бу ажойиб китобчадаги ҳикоялар ёшгина Сумайрахон ва Мунахон исмли қобилиятли опа-сингилнинг чет тилидан таржималари экан.*



Қизлар таржима қилган ҳикоялар ғоят таъсирли. Улардан бири "Ахлоқ" деб номланган. Унда ҳикоя қилинишича, сув, олов ва ахлоқ дўст тутинишибди. Бир-бирини кўрмаса, соғиниб қоладиган бўлишибди. Шунда бир-бирларини қандай топиш ҳақида баҳслашиб қолишибди: "Қаерда шарилласш овозини эшитсангиз, мен ўша ерда бўламан", дебди сув. Олов эса тутун чиққан жойда бўлишини айтибди. Шунда ахлоқ дебдики: "Мени йўқотсангиз излаб юрманг, ҳеч қаердан топа олмайсиз..."

Бу "икки оғизлик" ҳикояча мутолаасидан қатрада акс этган қуёш нурини ҳис этгандек бўлдик. Бу ёғду китобни ўқиб бўлгунча фикримиз, шууримизни ёритиб турди...

"Вьетнам" ҳикоясидаги воқеа янада таъсирли. Урушдан бир оёқ, бир қўлидан айрилиб, уйига қайтмоқчи бўлган аскар ота-онасига қўнғироқ қилади ва ёнида бир дўсти борлигини, у минани босиб олиб, оёқ-қўлидан айрилганини айтиб, у билан бирга боришга рухсат сўрайди. Аввал рози бўлган ота-она, йигитнинг ногирон эканлигини эшитиб, дўсти уларга юк, ҳаётларига тўсиқ бўлишини, яхшиси уни унутиб, уйга бир ўзи қайтишини тайинлайди. Бу жавобни эшитган ўғил ота-онасини қийин аҳволга солиб қўйишини ўйлаб, умидсизликка тушади.

"Мўъжиза" ҳикоясида эса беғубор қизалоқ укасини оғир хасталикдан қутқариш учун ота-онасидан эшитган "мўъжиза"ни қидириб дорихонага боради ва бор пулини узатиб, "мўъжиза"ни сўрайди. Сотувчи бу нарса сотилмаслигини айтиб, уни нима қилишини билмоқчи бўлади. Шунда қизалоқ отаси айтган сўзларни қайтариб, укасини фақат "мўъжиза" қутқариб қолишини, бунга кўп пул кераклигини айтади ва жажжи қўлларидаги ўзи йиққан пулларини чўзиб, яна ўша "мўъжиза"ни беришларини кўзи тўла ёш билан илтимос қилади. Дорихонага кирган бир бадавлат жаноб бу манзарани кузатиб туриб, қизалоққа ачинади ва ундан уйига олиб боришини сўрайди. Кейин "мўъжиза" содир бўлади...

Операция муваффақиятли ўтказилиб, қизалоқнинг укаси соғайиб кетади. Балки бу оддий тасодифдир, лекин энг муҳими яхши ният беэътибор қолмади.

Китобда бу каби мағзи тўқ, жажжи ҳикоялар бисёр.

Қисқаси оддий, соддагина тилда ёзилган воқеалар ёшу қарини бефарқ қолдирмайди. Баъзан арзимаган ташвишлардан тушкунликка тушиб қоламиз ва кимдандир ёки нимадандир нажот кутамиз.

Хуллас, "Ибратли ҳикоялар"ни ўқир экансиз, ўзингиз қидирган ҳаёт ҳикматларини топгандек бўласиз. Зеро, инсон ҳар ишдан бир яхшилик қидирса, тушкунликка тушмай, ҳаракатдан тўхтамаса, унинг омадсизлиги муваффақиятга айланиши ҳеч гап эмас. Китобда биз билган, лекин одатда эътибор бермай, унутиб қўйган оддий ҳақиқатлар жуда кўп.

**Раъно ҒОИПОВА.**

❑ Бугун Амир Темур таваллудига 680 йил тўлди

*Бир вақтлар халқимиз "ёппасига саводсиз" деган ноҳақ маломатларга қолгани бор гап. Ҳатто, дарсликларда ҳам тарихимиз ҳақидаги нохолис фикрларни ўқиб, ўрганишга мажбур эдик. Аммо, истиқлол туфайли қалб яраларимиз малҳам топди. Бизга ўзлигимизни, буюк аждодларимиз ва уларнинг боқий меросини қайтиб берган мустақиллик неъматини ҳар қанча улуғласак кам...*

# СОҲИБҚИРОННИНГ СЎНМАС ЖАСОРАТИ



Қаранг, "Буюк Темур тарихи" (Италия. Перо Мексика), "Буюк Темур" (Англия. Христофор Морло), "Самарқандга, Темур саройига саёҳат" (Кастилия. Руи Гонсалес де Калавихо) каби асарлар 600 йилдан буён дунё аҳлига маълум ва машҳур бўлсаю, биз улар ҳақида билмаган бўлсак?

Эндиликда буюк бобокалонимиз – Соҳибқирон Амир Темур сиймоси ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар ҳар биримизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этиши шубҳасиз.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сўзларини келтириш жоиз: "...Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди".

Ҳақиқатан ҳам, "Биз ўз салтанатимизни одамларга яхшилик қилиш, уларни ҳимоя этиш асосига қураётибмиз", дея ғурур билан сўзлаган Соҳибқирон ўз даврида кучайиб кетган ўзаро урушлар, мўғул босқинчилигига барҳам бериб, эл-юртни бирлаштирди, марказлашган йирик давлатни барпо этди. Бу, ўз навбатида, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Зеро, тинчлик ҳукм сурган жойдагина ривожланиш, тараққиёт бўлади. Бир пайтлар бобокалонимизнинг бошқа юртларни ёвуз босқинчилардан қутқариш, тинчлик ўрнатиш мақсадида қилган юришларини ғаразгўйлик билан "босқинчилик" дея айблашлар энди барҳам топди. Ул зот тарихда зулмкорона из қолдирган Чингизхоннинг ёвузликларига барҳам бериб, нафақат Осиё, балки Европанинг кўпгина мамлакатларини мўғуллар ҳукмронлигидан озод этилишига сабабчи бўлганини бугун европаликларнинг ўзлари ҳам эътироф этади. Рус тарихчиси Михаил Арнольдовнинг фикрларига эътибор беринг: "...Юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тормор бўлиб, тарих саҳнасидан ғойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган эканда? Ким у жўмард? Ким бўларди, кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган буюк Амир Темур бизни озод қилган". Бундай холис фикрларни буюк саркардамиз мўғуллар, усмонли турклар истибдодидан озод қилган Осиё, Европа мамлакатлари халқлари, тарихчилар чуқур миннатдорчилик билан ёзиб қолдиришган. Уларни ўқиб туриб, вужудимизни ҳузурбахш ғурур туйғуси қамрайди. Ҳақиқатан, адолатнинг кучи ҳам шунда – эгилади, букилади, лекин синмайди.

Ҳа, дунёда тинчлик, осойишталик, эзгу ниятдаги ўзаро дўстона алоқаларни ўрната олиш учун инсонга нечоғлик юксак маънавият, улкан салоҳият зарур. Бундай беқиёс сифатлар эгаси Соҳибқирон Амир Темур ўзининг 67 йиллик умри давомида мангуликка дахлдор жасорат кўрсатди. Марказлашган, ҳар томонлама ривожланган темурийлар давлатчилигига асос солди. Ўзидан кейин оламшумул ютуқларни қўлга киритган мард, жасур, етук фарзандларни тарбиялади. "Темур тузуклари"да таъкидлаганидек, давлат бошқарувида ўн икки тамойилга амал қилди.

Амир Темур маънавиятини белгиловчи бош мезон унинг бутун умр амал қилган "Куч – адолатда" деган шиоридир, десак тўғри бўлади. Унинг маърифий қарашлари, авлодларига қолдирган ўгитлари "Темур тузуклари"да мужассамлашган. Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, бобокалонимиз "Ободонликка ярайдиган бирор ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди".

Зеро, ободликда ҳикмат кўп. Шунинг учун фармонларининг аксари бунёдкорлик саъй-ҳаракатларини қувватлашга йўналтирилган. Натижада, Самарқанд, Шаҳрисабз (Кеш) каби қатор шаҳарлардаги беқиёс иншоотлар дунё тамаддунига нақш боғловчи омиллардан бирига айланди. Соҳибқироннинг: "Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг" деган сўзлари ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмагани бежиз эмас. Негаки, орадан олти асрдан зиёд вақт ўтган бўлса ҳам бу бинолар дунё аҳлини лол қолдириб келаётгани айни ҳақиқат-да!

Биз авлодларга янада ғурур ва ифтихор бахш этадиган жиҳат буюк аждодимизнинг давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, узоқ ва яқин халқлар орасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бергани, Европа мамлакатлари орасида ўзининг шарқона дипломатияси билан катта обрў-эътиборга эга бўлганидир. Табиийки, бу жиҳатлар мамлакатда илм-фан, маданият, адабиёт, санъат, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, бунёдкорлик ишлари ривож топиб, давлат тараққиётга юз тутишига сабаб бўлди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**




## ТОМОШАДАГИ «ТОМОША»

**Кобралар иштирокида шоу уюштириб танилган индонезиялик хонанда Ирма Бюл томоша вақтида вафот этди, дея хабар бермоқда The Daily Mail.**

29 ёшли қўшиқчига концерт чоғида кобра ҳамла қилган, аммо у куйлашда давом этган. 45 дақиқа ўтгач, Бюл қайт қилиб, саҳнада ҳушини йўқотади. Ҳодиса Ғарбий Ява провинциясининг Караванг аҳоли пунктида содир бўлди. Бюл қироллик кобрасининг думини тасодифан босиб олгач, илон унинг оёғидан тишлади. Қўшиқчи касалхонага етказилганда оламдан ўтган эди.

**Америкалик олимлар дори воситаларини автоматик тарзда ишлаб чиқарувчи ихчам қурилмани кашф этдилар. Бу ҳақда "Science" журнали маълумотига таяниб, "Интерфакс" хабар тарқатди.**

## ЎЗИ КИЧИК, ФОЙДАСИ КАТТА

Ошхона музлаткичини эслатувчи қурилма дори воситаларини тезроқ ва барқарор тайёрлаш имконини беради.



"Massachusets" технологик университети ходимларининг бундай ихчам қурилмаси ҳарбий ҳаракатлар ҳудудида ёки эпидемия ўчоқларида, кўп дори воситаларига эҳтиёж бўлган тиббий муассасаларда яхши фойда беради.

*Ирода МАҚСУДОВА тайёрлади.*

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 9 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб бир оз ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб айрим жойларда ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёғингарчилик бўлади. Ғарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи
Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5622. Адади 12247. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.05.